

10-синф

№ 1. Рақобат сўзи қандай маъно англатади?

- а) конкуренция б) стилистика
в) акция г) бюджет

№ 2. Жуда эски сўзига тенг келадиган иборани топинг.

- а) алмисокдан қолган б) оғзи очилиб қолди
в) оёғини кўлига олиб г) оҳори тўкилган

№ 3. Қуйидаги гап эргаш гапнинг қайси турига мансуб? Ёмғир тобора тезлашганлиги учун пахтазор бўшаб қолди.

- а) сабаб эргаш гапли қўшма гап
б) мақсад эргаш гапли қўшма гап
в) натижа эргаш гапли қўшма гап
г) пайт эргаш гапли қўшма гап

№ 4. Аниқловчи эргаш гапли қўшма гапни белгиланг.

- а) Оқ , пушти гулларга қараб дилимиз яйрайди.
б) Билим шундай хазинаки, у сарфлангани билан тамом бўлмайди.
в) Биз истаймиз: барча эллар тинч яшасин.
г) У шундай одим ташлаб кетдики, натижада унга ҳеч ким етаолмади.

№ 5. Тўлдирувчи эргаш гапнинг тўғри таърифни белгиланг.

- а) бош гапнинг мазмунини изоҳлаб келса, тўлдирувчи эргаш гап дейилади
б) бош гапнинг мазмунини тўлдириб келса, тўлдирувчи эргаш гап дейилади
в) бош гапдаги олмошни изоҳлаган эргаш гап тўлдирувчи эргаш гап дейилади
г) бош гапдаги кўрсатиш олмоши билан ифодаланган тўлдирувчи изоҳлаган эргаш гап тўлдирувчи эргаш гап дейилади

ЎЗБЕК ТИЛИ

№ 6. Қуйидаги гап қандай эргаш гап эканини аниқланг. Қуёш қоқ тиккага келгач, ҳаво шундай исийдики, киши чидаб туролмайди.

- а) бир неча эргаш гапли қўшма гап
б) пайт эргаш гапли қўшма гап
в) натижа эргаш гапли қўшма гап
г) аралаш турдаги қўшма гап

№ 7. Қўшма гап турини аниқланг.

Авжи қиш вақти бўлса ҳам, ерда сира қор йўқ, ҳаво худди баҳор ҳавосидай юмшоқ эди.

- а) ҳар хил боғланган қўшма гап
б) эргашган қўшма гап
в) боғланган қўшма гап
г) боғловчисиз қўшма гап

№ 8. Ҳам сўзининг маъносини аниқланг.

- а) ва б) тишламоқ
в) боғловчи г) бўйнини эгмок

№ 9. Туб сўзларни топинг.

- а) сиёҳдон, туздон б) майдон, виждон
в) нодон, билимдон г) гулдон, кадрдон

№ 10. Берилган қўшма сўзларнинг қайси қатори тўғри ёзилган?

- а) баъзи бир, ҳар ким
б) бутуниттифоқ, ер ёнғоқ
в) ўттизбеш, бешхонали
г) Аму-дарё, минг оёқ

№ 11. Жавобларнинг қайси бирида ҳис-ҳаяжон, ундов сўзларнинг ёзилиши қоидага мос тушмайди?

- а) воҳ-воҳ, ура, ох, ух
б) додвой, дув, дув, ўх, ўх, ўх, эйҳа
в) эвоҳ, яшасин, уф, эй
г) о, эй, вой, ие

4-вариант

№ 12. Имло қоидасига номувофиқ ёзилган қўшма сўзларни аниқланг.

- а) найча пайванд, намозшомгул, жонкуяр
б) лоларанг, довюрак, марварид гул
в) бодом қовоқ, ноғора базм, лашкарбоши
г) ўринбосар, чет эл, соф кўнгилли

№ 13. Қайси қатор сўзлари олий давлат лавозимларини билдиради ва бош ҳарф билан ёзилади.

- а) Университет ректори, лицей директори, маданият вазирлиги
б) ёзувчилар уюшмасининг биринчи котиби, бош муҳаррир
в) Бош вазир, олий кенгаш раёсати раиси
г) Етакчи мутахассис, профессор, академик

Тоғ этаги Ҳирвати қишлоғи атрофида пода ҳайдаб юрган чўпонлар ҳар куни тунда биттадан қўй ғойиб бўлаётганини сезиб қолишибди. Маълум бўлишича, сурувни (пода) айиқ оралаган экан. Чўпонлар ўғрининг адабини бериб қўйиш ниятида кечаси гулхан ёқиб уни пойлаб ўтиришибди. Бисотларида биттагина пилта милтиқ бор экан. Ниҳоят айиқ кўринибди. Чўпонлар шовқин кўтариб, уни бостириб келаверибди. Буни кўрган бир чўпон шоша-пиша милтиқни олиб, ўқ узмоқчи бўлган экан; пилтаси ўт олмабди. Айиқ эса яқинлашиб қолибди. Чўпонлар милтиқни ташлаб тирқираб қочишибди. Айиқ бемалол гулханнинг олдида келибди, кейин ерда ётган милтиқни олиб тиззасига бир уриб синдирибди. Шундан сўнг у битта қўйни бурдалаб ейишга тушибди. Ўша кезлари сурув томонда тулки ҳам айланишиб

қолган экан. Ҳар куни у айикнинг изидан бориб, ундан қолган сарқитларни пок-покиза қилиб тушириб кетар экан. Шу куни тулки яна пайдо бўлибди. Айик уни кўриб қолибди-да, бир парча гўшт иргитибди. Шу тариқа гўшт ташлаб тулкининг яқинига келтирибди-да, бир чанг солиб ушлаб олибди. Шундан кейин боя ўзи мажақлаб ташлаган милтиқни олиб, обдон ўтда қиздирибди-да даҳшатдан қотиб қолган чўпонларнинг кўзи ўнгида уни тулкининг кетига босибди. Бир неча марта буни такрорлагач, охири тулки ўлибди. Айик: “Еган кўйимнинг ҳақи бу” дегандек унинг ўлигини чўпонлар пусиб ётган томонга улоқтирибди. Шу-шу бу айик мутлақо кўринмай кетибди.

№ 14. Тоғ этагидаги қишлоқнинг номини белгиланг?

- а) Хирот
- б) Шахрисабз
- в) Арслонбоб
- г) Ҳирват

№ 15. Ким сурувни (подани) оралаган эди?

- а) Айик
- б) Тулки
- в) Бўри
- г) Қуён

№ 16. Чўпонларда қандай милтиқ бор эди?

- а) Оддий милтиқ
- б) Пилта милтиқ
- в) Қийшиқ милтиқ
- г) Бузуқ милтиқ

№ 17. Чўпонлар қандай йўл билан ўғрининг адабини бермоқчи бўлишди?

- а) Жардан улоқтириб
- б) Темир босиб
- в) Сувга ташлаб
- г) Гулхан ёқиб

№ 18. Чўпонлар айикни қандай кўрқитмоқчи бўлишди?

- а) ўк билан
- б) калтак билан
- в) тош билан
- г) кетмон билан

№ 19. Ҳикояга қандай ном берасиз?

- а) Чўпон
- б) Тулки овлаган айик
- в) Айик овлаган тулки
- г) Тулки ва айик

№ 20. Айикнинг мақсади нима эди?

- а) Ўзини кўрсатиш
- б) Тулкини йўқотиш
- в) Кўздан ғойиб бўлиди
- г) Кўйни ейиш

Баллни баҳога айлантириш шкаласи
Ҳар бир топшириқ 1 балл билан баҳоланади. Жами топшириқларнинг миқдори – 20

баллари	баҳо
0-7	«2»
8-11	«3»
12-14	«4»
15-20	«5»